

Суднинг ҳал қилув қарорида баён қилинган хулосаларнинг иш ҳолатларига мувофиқ келмаслиги, моддий ҳуқуқ нормалари ёки процессуал ҳуқуқ нормаларининг бузилганлиги ёки нотўғри қўлланганлиги.

Н. Мустаев судга шикоят билан мурожаат қилиб, 1979 йилда собиқ «Правда» колхози умумий йиғилиши қарорига асосан ажратилган 0,12 га ер участкасида қурилган уйга эгалик ҳуқуқини белгилаб бериш ҳақидаги мурожаати туман ҳокимлиги томонидан қонунга зид равишда рад этилганлигини кўрсатиб, туман ҳокимлиги зиммасига уйга ўзининг ҳуқуқини белгилаш ҳақида қарор чиқариш мажбуриятини юклашни сўраган.

Фуқаролик ишлари бўйича туманлараро судининг 2010 йил 25 июндаги ҳал қилув қарори билан шикоят қаноатлантирилиб, туман ҳокимлиги зиммасига Н.Мустаевнинг уй-жойга эгалик ҳуқуқини белгилаш ҳақидаги аризасини кўриб чиқиш мажбурияти юклатилган.

Вилоят суди апелляция инстанциясининг 2010 йил 27 июлдаги ажрими билан ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Аниқланишича, туман ҳокимлиги томонидан Н.Мустаевнинг аризаси уй-жой жойлашган ер майдони бош режаси йўқлиги ва уй қуриш учун ер участкаси ажратиш ҳақида қарор мавжуд эмаслиги сабабли рад этилган.

Суд шикоятни қаноатлантиришда низоли уйни Н.Мустаев 1980 — 1983 йилларда қурганлигини, коммунал тўловларни тўлаб келганлигини, бу гувоҳлар кўрсатмалари билан тасдиқланганлигини инобатга олган.

Фуқаролик кодексининг 212-моддаси 4-қисмига кўра шахс ўзига қарашли бўлмаган ер участкасида ўзбошимчалик билан иморат қурган бўлса, унинг бу иморатга нисбатан мулк ҳуқуқи суд томонидан башарти мазкур участка шу шахсга қурилган иморат учун белгиланган тартибда бериладиган бўлса, эътироф этилиши мумкин.

Иш ҳолатларидан Н.Мустаевнинг ушбу қоидага мувофиқ туман ҳокимлигига низоли уй жойлашган ер участкасини қурилган иморат учун белгиланган тартибда ажратиш ҳақида мурожаат қилганлигини ва унинг бундай мурожаати ҳокимлик томонидан рад этилганлигини тасдиқловчи асослар мавжуд бўлмаса-да, туман ҳокимлиги зиммасига унинг низоли уйга нисбатан эгалик ҳуқуқини тиклаш ҳақидаги аризасини кўриб чиқиш мажбурияти юклатилган.

Бундан ташқари суд шикоятда кўрсатилган уй-жой низоли эканлиги ва унга Н.Мустаевдан ташқари унинг укаси О.Мустаев ҳам даъво қилаётганлигига эътибор бермаган.

Олий суд Пленумининг 2004 йил 24 сентябрдаги 14-сонли **«Якка тартибда қурилган уйга бўлган мулк ҳуқуқи билан боғлиқ низолар бўйича суд амалиёти тўғрисида»**ги қарорининг 24-бандида ўзига белгиланган тартибда ажратилмаган ер участкасида шахснинг ўзбошимчалик билан қурган иморатига нисбатан мулк ҳуқуқини эътироф этиш ҳақидаги ишлар даъво тартибида кўрилиши, суд тегишли ҳокимликнинг даъвога муносабатини аниқлаши, агар ҳокимият ўзбошимчалик билан қурилган иморат жойлашган ер участкасини даъвогарга ажратишни рад қилган тақдирда, суд ҳуқуқ тўғрисида низо мавжудлиги сабабли даъвогарга рад этиш ҳақидаги қарор устидан суд тартибида низолашишга ҳақли эканлигини тушунтириши лозимлиги белгиланган.

Олий суд Пленуми қарорининг қайд этилган тушунтиришига зид равишда суд ишни шикоят тартибида кўриб чиқиб, ҳокимлик зиммасига мажбурият юклаб, хатоликка йўл қўйган.

Апелляция инстанцияси юқорида кўрсатилган ҳолатларга тегишли баҳо бермасдан, ҳал қилув қарорини ўзгаришсиз қолдириш ҳақида барвақт хулосага келган.

Олий суд фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2011 йил 7 февралдаги ажрими билан вилоят суди апелляция инстанциясининг ажрими бекор қилиниб, иш янгидан кўриш учун шу инстанция судига юборилган.

ФСХ-13-11-сонли ажрим